



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ӨРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 123 (13.385).
3 ИЮНЬ
1966 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Хоразм область деҳқонларининг қимматли ташаббуси ва ишлари ҳақида махсус мақола, айниқса пахта етиштириш юзасидан 1966 йилда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун республиканинг барча колхозчиларига, совхоз ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мухтасисларига, барча меҳнаткашларига қаратилган мурожаатни маънуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига Хоразм область пахтакорларининг мурожаатини қишлоқ меҳнаткашларининг йилги ишларида кенг муҳофаза қилиш, шу йилги ишларда ғўза парваришини ва бошқа дала

ишлари суръатини тезлаштириш юзасидан иккириг тадбирлар белгилашни топширди. Бу тадбирлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш, КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларида кўзда тутилганидек, экинга яқин ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Республика ва маҳаллий газеталарнинг редакциялари, га, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Радиошўхирати, риш ва телевидение Давлат комитетида Хоразм область пахтакорларининг мурожаати асосида республикада қандай ишлар қилинганлигини кенг ёритиб бориш вазифаси топширилди.

ҲАММА ЗАРБДОР ФРОНТГА, ҒУЗА ПАРВАРИШИГА!

Республиканинг барча колхозчилари, механизаторлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги
мутахассисларига, барча меҳнаткашларига Хоразм область пахтакорларининг

МУРОЖАТИ

Азиз дўстлар, қасбдошлар!
Совет кишилари КПСС XXIII съезди қарорларини тезорқ амалга ошириш учун фидокорона курашни кенг авж олдириб юборган тарихий кунларда биз ана шу мурожаатни яқинда қабул қилдик. Мамлакатимиз СССР Олий Совети сайловларини кутиб олаётган ҳозирги вақтда омманини сиёсий активлиги мисли кўрилмаган даражада ўсди. Совет кишиларининг меҳнатдаги ғайрат-ташаббуси қайнар бўлди.

Партияимиз Марказий Комитетининг май Пленуми дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш учун ерви мелiorациялаштиришни кенг ривожлантириш масалаларини ҳар тарафлама муҳофаза қилди. Пленумнинг ана шу масалалар юзасидан қабул қилган қарорлари бутун мамлакатимизда бўлганидек, серқўш Ўзбекистонда, Хоразм воҳасида ҳам меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ғайратини гоят ошириб юборди.

Марказий Комитет Пленумининг тарихий қарорлари қишлоқ меҳнаткашларининг кучига-куч ва ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Йил сайин мўл ҳосил етиштириётган хоразмликлар яхши беш йилликнинг биринчи йилида областда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнергача оширишга ва ҳамма ҳосилнинг деярли учдан бир қисmini — 100 миң тонна пахта машинада териб олишга, гектардан 30 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта ҳам хўжалик қолмаслигига эришишга қатъий бел боғладилар. Биз шу билан бирга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа ҳамма тармақларини янада юксалтиришга, чорвачиликнинг махсусдорлигини кескин суратда оширишга, жамоат чорвачилигининг рентабеллиги бўлишига эришамиз.

Хоразмлик меҳнатсевар деҳқонлар ўзларининг шарафли пахтакорлик касблари билан беҳад фахрланишар. Улар барча қишлоқчиларни бартараф қилиш ва ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун куч-ғайратларини аямал қилар. Биз шунга аминмизки, мўл ҳосил олиш қарақатининг байроқдорлари — Маҳмуд Хайтов, Исмоил Бекжонов, Собир Қилчев, Кенжа Оллоназаров, Аҳмадхон Юсупов, Рўзмет Маджидов, Сафарбой Раҳимов, Искандар Дўсов, Собир Оллоберганов каби неча ўнлаб моҳир пахта усталари мўл-кўл пахта ҳосили учун курашувчиларининг ҳаммаша биринчи сафида бормоқдалар.

Йилги пахта мўл-кўл пахта ҳосили учун курашувчиларининг ҳаммаша биринчи сафида бормоқдалар. Ўзбекистоннинг барча қишлоқ хўжалик экинчиларининг зараркуналлари, хусусан, шира, ўримчаккана, кўк курт қўлайиб кетди. Бу эса ҳосилга жиддий зарар етказди. Ҳар бир хўжаликда зарарланган дала-ларнинг ҳаммасига қисқа вақт ичида ишлов бериш, захарли химикатлардан тўғри фойда-

роқнинг қатъий қўлиб қолишига қарши кураш олиб бориш учун жуда кўп меҳнат сарфлашга тўғри келди. Чигит экин қисқа муддатларда ва уюшқоқлик билан ўтказилган бўлса ҳам уни ундириб олиш ўтган йилдагига қараганда 15-20 кун орқада қолди. Ўзганинг ривожли республиканинг бошқа областларида ҳам кейинда қўлаётганлиги ҳақидаги хабарлар бизни жиддий ташвишга солмоқда.

Мўл ҳосил учун кураш ҳаммаша катта қийинчиликларни бартараф қилиши билан боғлиқ эканлигини республика меҳнаткашлари яхши биладилар. Бу йили мураккаб шaroитларда бу қийинчиликлар айниқса кўпроқ сезилипти. Пахтачиларда вужудга келган аҳволни тузатиш учун барча яхши ресурсларни сафарбар қилишимиз, ишчи кучи ва моддий-техника воситаларидан тўғри фойдаланмоғимиз керак.

Ғўзани парвариш қилишдаги ана шу масъулиятли даврда уни ишлашни тўғри ташкил этиш, илгор агротехника талабларига қатъий риоя қилиш катта аҳамиятга эгадир. Экинларни парвариш қилиш комплекс асосда ўтказилиши, култивация, озиклантириш, яғналаш, сугоришиш ғўза касалликлари ва зараркуналларига қарши кураш билан моҳирона қўлиб олиб бориш зарур.

Ғалаба ўз-ўзидан келмайди. У машаққатли курашда қўлга киритилади. Шунинг учун ҳам бу кураш пахтакорлардан юксак жасорат, мардлик, фидокорона меҳнат қилишни, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар қилишни талаб этади. Хосилнинг тақдирини худди мана шуларга боғлиқ.

Шунга қарамай бизнинг ишимизда жиддий камчиликлар бор. Бир қанча хўжаликларда меҳнатнинг ташкил этилиши пахтачиларда рўй берган вазиятга мос бўлиб тушмаётди. Экинларни парвариш қилиш ишлари жуда ҳам кейинда қоляпти. Биринчи култивация ва яғналаш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада қўзғилиб кетди. Қўпгина хўжаликларда анчагина ерлардаги экин бегона ўтлардан тозаланмаган, вегетация даврига мослаштирилиб сугорилмаган.

Бу йил даладарда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинчиларининг зараркуналлари, хусусан, шира, ўримчаккана, кўк курт қўлайиб кетди. Бу эса ҳосилга жиддий зарар етказди. Ҳар бир хўжаликда зарарланган дала-ларнинг ҳаммасига қисқа вақт ичида ишлов бериш, захарли химикатлардан тўғри фойда-

ланиш, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркуналларини батамом қириб ташлашга эришиш, уларнинг қайтадан тарқалишига имкон бермаслик керак.

Шу кунги вазифа экинларни парвариш қилишда йўл қўйилган ҳатоларни дарҳол аниқлаш ва тездан бартараф қилишдан иборат. Бу камчиликларни тугатишда, мўл ҳосил учун курашда социалистик мусобақа ва ўзаро тегишлири жуда катта роль ўйнамоғи керак. Ўзаро мусобақалашаётган коллективларнинг дала-ларини бир-бирларига бориб кўриш, кенг тажриба алмашиш, мусобақадор дўстларга ўзаро ёрдам бериш пахтакорларимизнинг энг яхши традицияси бўлиб қолди. Бу традицияни ҳар томонлама кенг авж олдириш керак.

Июнь — экинларнинг ривожланишидаги қолдиққа барҳам бериш билан бирга ишларини тубдан яхшилашда зарбдор ойдр. Июль эса, мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Биз хоразмликлар июнь ва июль ойларини зарбдор меҳнат ойлари деб эъло қилдик. Ана шу икки ой ичида пахта дала-лариде фидокорона меҳнат билан қўшадиган ҳиссамиз кўзда мўл ҳосил кўтаришининг гарови бўлади.

Июнь ойида экинларни икки марта комплекс парвариш қиламиз. Хосилнинг тез етилишини жадаллаштириш учун ўсимликни минерал ўғитлар билан озиклантирамиз. 10-15 июнгача эса азот ўғити солишни тамомлаймиз. Минерал ўғитлар билан бирга ҳар гектар экинга 10 тоннага етказиб чиринди соламыз. Ғўзани ўсши даврида ғўза вақтида сугорамиз ва унинг 25 июнгача бир текисда суллашига эришамиз. Ғўзанинг ҳар бир туғини авайлаб парвариш қилишга, унинг яхши озикланиб бақувват бўлиб ўсишига эришамиз.

АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

Ғўзани парвариш қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг ҳаммасини тўла амалга ошириш учун ҳар биримиз пахта фронтда бўлиб, экинларни парвариш қилишда бевосита иштирок қилишга эришайлик. Партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг энг муҳим вазифаси ва бурчи қишлоқ меҳнаткашларининг самарали меҳнат қилишлари учун барча зарур шарт-шaroитларни яратиб беришдан иборат.

Республикамизда қизгин иш кунлари авж олиб кетди. Ана шу кунларда юксак ғайрат, ташаббус ва уюшқоқлик, мардлик ва ватан-

МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

Хосилнинг тақдирини сизларнинг маҳоратингизга боғлиқ. Ер ҳазиналар макони бўлса, унинг олтин қазини сизларнинг қўлингиздадир. Чўқур култивация қилиш ва озиклантириш каби муҳим тадбирларни сифатли қилиб ўтказишга ҳар бир туп қўчатни меҳр-мухабабат билан парвариш қилингиз.

1966 йили пахта ҳосилини машинада териб олишда намунали йилга айлантирамыз. Район ташкилотларининг, «Узсельхозтехника» бирлашмаларининг ходимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари ва механизаторлари пахтали машинада териб олишга тайёргарлигини ҳозирдан кенг авж олдириб юборишлари керак.

СУВЧИ ЎРТОҚЛАР!

Силлар дала-ларимизнинг муносиб меҳнаткашларидирсизлар. Агротехника тадбирлари комплексда ғўзани сугориш муҳим вазифани ағаллашсин, ҳосилдорлигини ошириш учун гоят катта аҳамиятга эга эканлигини унутмангиз. Сув — ғўзанинг жони ва қони демаскидир. Эгизларни чўқур олиб сугорингиз ва сувни бутун участкага бир текисда тарангиз. Сугоришнинг прогрессив усулларини қўллангиз, най усулда сугоришдан кенг фойдаланингиз. Сифатли сугориш ғўзанинг авж олишини тезлаштиради, бу нисда агротехникави бузиш эса ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Сугориш қондаларига қатъий риоя қилингиз. Ҳар бир туп ғўзанинг яхши ўсиши, ҳар бир туғинча ва туғини эрта етилиши юқори сорт пахтаининг барвақт териб олиниш гарови эканлигини эсда тутингиз.

МУРОЖААТ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛ-
ГОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА, 1966 ЙИЛ 2 ИЮНДА ЯҚДИЛЛИК
БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

Мўл ҳосил учун курашнинг қиз-
гин даврида маслаҳатлашиб олиш
учун Хоразм область қишлоқ хў-
жалик ходимларидан 3 миң ки-
ши Янгиерик районидеги Охунбо-
боев номи колхозга тўлдирилди.
Кенгашда 1966 йилда қишлоқ хў-
жалик махсусотлари етиштириш
юзасидан олинган социалистик
мажбуриятларни бажаришнинг бо-
риши тўғрисида область икромия
комитетининг раиси М. Худойбер-
ганов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотич-
лар пахта ва бошқа экинлардан
юқори ҳосил етиштириш учун ас-
тодйла кураш олиб борилаётганли-
ги, партия XXIII съезди ва КПСС
Марказий Комитети май Пленуми
қарорлари областда қизгин кўта-
риқлини уйғотганини таъкид-
ладилар. Беш йилликнинг биринчи
йилида давлатга қоракўл тери, ту-
хум сотиш йиллик планлари мўд-
датидан олдин бажарилиди. Пилла
таерлаш қизгин даврга кирди.
Илгор хўжаликлар ғўза парвари-
шини кундан-кунга авж олдиримоқ-
далар.

Шу билан бирга кенгашда ғўза
ва бошқа экинлар парваришида,
чорвачилик ишларида йўл қўйи-
лаётган жиддий нуқсонлар очиб
тилдирилди. Ғўзанинг ривожланиши
кечяпти. Областада ғўзани бири-

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ БРАТИСЛАВАДА

БРАТИСЛАВА. 2 июль. (ТАСС).
КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари Л. И. Брежнев
бошчилигидаги КПСС делегацияси
буғун Братиславада келди. Деле-
гация Чехословачия Коммунистик
партиясининг XIII съезди ишида
иштирок этмоқда.

Братиславада делегация Слова-
кия Компартиясининг ва Словакия
Миллий Кенгашининг раҳбарлари
билан учрашди. Словакия санас-
тининг ривожланиши билан тани-
шди.

МЕХНАТ ЗАФАРЛАРИ

СИРДАРЕ. (Телефон орқали).
СССР Олий Советига сайловлаб
шарафига бошланган умумхалқ
социалистик мусобақасига қўши-
либ, фидокорона меҳнат қилаёт-
ган Жиззах район пиллакорлари
давлатга пилла сотиш йиллик
планини муддатдан олдин бажар-
дилар. Улар ҳар кунти уругдан хо-
зирга қадар ўрта ҳисобда 66 ки-
лограммдан пилла йиғиб олдилар.
Райондаги «Зарафшон», Жда-
нов номи ва Назовий номи кол-
хозлар айниқса юқори нўрсат-
кичга эришдилар. «Зарафшон»
колхозидан Х. Тўйчиева, Жданов
номи колхоздан Р. Аҳророва на-
би бир неча ўнлаб илгор пилла-
чилар ҳар кунти уругдан 110-125
килограммдан аъло навли пилла
етиштирилди.

Шунингдек, Бобут райони пил-
лакорлари ҳам маррага етидилар.
Областининг ҳар иккала райони-
да ҳам давлатга пилла етказиб
бериш қизгин давом эттиримоқ-
да.

Т. ЖАМОНОВ.

Ф. ЗОХИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Хўрмат тахтаси

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан олдин
бажарганликларини учун республика «Хўрмат тахтаси»га ёзила-
дилар:

Сурхондарё области (область партия комитетининг биринчи
секретари Н. М. Муродов, область икромия комитетининг раиси
М. Умаров, область комсомол комитетининг секретари Х. Зо-
киров, область пахшилик бошқармасининг бошлиғи М. Бига-
шев ўртоқлар).

Жиззах району (район партия комитетининг секретари
Г. Е. Иброҳимов, район икромия комитетининг раиси А. Норму-
родов, район комсомол комитетининг секретари Г. Қодирова,
марказий пилла қўриш пунктининг директори С. Бобоев ўр-
тоқлар).

Бобут райони (район партия комитетининг секретари А. Аб-
дувоҳидов, район икромия комитетининг раиси Р. Бердиназаров,
район комсомол комитетининг секретари У. А. Имомкулов, мар-
казий пилла қўриш пунктининг директори З. Исоқова ўртоқ-
лар).



МАРҲАБО, АЗИЗ ДЎСТЛАР

Кунни кеча «Қизил Тўқима-
чи» станцияси яна бир ҳаёқон-
ли учрашувини гувоҳи бўлди.
Шу кунни тошкентликлар рево-
люция бешиги — Ленин шаҳри-
дан йўлланма олган дастлаб-
ки эшелонини самимиёт ва хур-
сандчили билан кутиб олди-
лар.

Ленинград шаҳрининг оли-
ҳимат бинокорлари бу йил
12,5 миң квадрат метр саҳи-
да уй-жой қўриб беришмоқчи.
Келас йили эса иш суръати-
ни жадаллаштириш. «Ленин-
град қавартида» 70 миң
квадрат метр уй-жойни тош-
кентликларга ҳадя этишди.
Айни пайтда улар йиринк пой-
абзал фабрикаси қўриб бериш-
га ҳам ваъда беришган.

Ленин шаҳрининг дастлаб-
ки отряди келган дўстлик по-
ездини кутиб олиш ҳалқлар
дўстлигининг ёрқин намоиши-
га айланди. Шаҳримизнинг ёш
гражданилари — пионерлар

аъзана бўйича меҳмонларга
гулдастлар таъдим этишди.
Икки шаҳар вакиллариининг уч-
рашувини ўз-ўзидан ҳалқонли
митингга айланди кетди.

— Зилзила оқибатини туга-
тишда бизга ёрдам қилини ғўза-
дан барча дўстларимиз қатори
Улуу Ленин шаҳрининг мард
ишчилар синфи вакиллари бўл-
ган «Сиз дўстларимизга чўқур
миннатдорчилигимизни изҳор
этамиз. — дейди митингнинг о-
ган шаҳар партия комитетининг
секретари Р. Бобожонова. —
Ҳозир Тошкентда жаҳон қури-
лиши тақрибасида сира қў-
рилмаган суратлар билан қу-
рилиш ишлари бошланиб кет-
ди. 26 апрелнинг келтирилган
гам-ғўсалари тобора унутиб
қолмоқда. Орадан кўп ўтмай, та-
бий офат қолдириб кетган вай-
рона ўрнида осмонлар кўп
қаватли биноклар дам кўтарди.
Ана шу ғўзал уй-жойлар Итти-

фоқимиз ҳалқларидан, шу жум-
ладан сиз, ленинградлик дўст-
ларимиздан бизга ёдгорлик бў-
либ қолади.

— Ҳамшаҳарларимиз азим
Тошкентни қайта тиклаш юза-
сидан бизга катта тошчиқлар
беришди. — деди жавоб нутқи-
да Ленинграддаги 36-қўрилмиш
трестининг ходими Рая На-
минская. — Коллективимиз
кўркам биноклар қуришда суғи-
ртган абжир бинокорлардан
иборат. У ердаги тажрибамиз
ни тўла-тўқис ишга солиб, «Ле-
нинград қаварти» қурилишига
бутун маҳоратимизни сарфла-
миз, сейсминик жидатдан бақу-
ват, зилзилага бардошли уйлар
қўриб беришимиз.

Митинг туганди. Аммо икки
шаҳар вакиллариининг қизғин
ва дўстона суҳбатлари алла
маҳалгача давом этади. Ҳа,
улар катта мақсад йўлида қў-
ли-қўлга бериб, улкан шаҳарни
барпо этишди.

Шаҳрисабз районидеги «Шарқ
юдузи» колхозининг деҳқон-
лари ғўза парваришини қизитиб
юбордилар. Айниқса сувчилар
экинни қондириб сугоригача эъти-
бор бермоқдалар. Суратда: моҳир
сувчилардан Н. Хидиров ва О.
Юсупов.

А. Тўраев фотоси.

ТАСС АХБОРОТИ

«Луна-10» ўз илмий тадқиқотлари программа- сини тамомлади

Ойнинг биринчи сунъий йўл-
доши — «Луна-10» совет автома-
тик станциясини илмий тадқиқот-
лар программасини муваффақия-
тли тамомлади.

Станция билан 219 марта ра-
дио алоқа сеанслари ўтказилиб,
бу сеанслар вақтида кўп миқ-
дорда илмий ахборотлар на тра-
ектория ўлчовлари олинди.

Охириги сеанс шу йил 30 май-
да ўтказилди. Шундан сўнг ке-
мадаги ток манбаларининг энер-
гияси тамом бўлганлиги сабаб
станция билан алоқа тўхта-
ди.

«СЕРВЕЙОР-1» ОЙГА ҚЎНДИ

НЬО-ЙОРК. 2 июль. (ТАСС).
Американинг «Сервей-
ор-1» станцияси буғун Москва
вақти билан соат 17 дан 9 минут
ўтганда Бурь океани районида
ойга юмшок қўнди. Информация
агентлигининг Пасаденада
(Калифорния штати) хабар бери-
ларича, бу станция ой сатҳининг
телевизон тасвирини қўришти-
риш ва ой тупроғини тадқиқ
этишга мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА 1966---1967 ЎҚУВ ЙИЛИГА СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

(Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси 32)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Фойдали қазилмалар ўрнини геологик суратга олиш ва қидириш, геохимия, гидрогеология, ҳуқуқшунослик, инженерлик геологияси, қуруқлик гидрологияси, агрометеорология, метеорология, агрохимия ва шарҳшунослик, ҳуқуқшунослик, рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, инглиз, француз, немис тиллари, шарҳ тиллари ва адабиёти, тарих, фалсафа, математика, физика, химия, биология, география, журналистика, сиёсий иқтисод.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:

Фойдали қазилмалар ўрнини геологик суратга олиш ва қидириш, метеорология, ҳуқуқшунослик, рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, инглиз, француз, немис тиллари, шарҳ тиллари ва адабиёти, тарих, фалсафа, математика, физика, химия, биология, география, журналистика, сиёсий иқтисод.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Фойдали қазилмалар ўрнини геологик суратга олиш ва қидириш, қуруқлик гидрологияси, ҳуқуқшунослик, рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, тарих, журналистика, география.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

(Навоий кўчаси, 13).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА

Фойдали қазилмалар геологияси ва уларни разведка қилиш, нефть ва газ қазилмалари геологияси ва уларни разведка қилиш, фойдали қазилмалар ўрнини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, гидрогеология ва инженерлик геологияси, фойдали қазилмалар ўрнини разведка қилиш техникаси, фойдали қазилмалар ўрнини разведка қилишнинг геологик суратга олиш ва қидириш, қуруқлик гидрологияси, ҳуқуқшунослик, рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, тарих, журналистика, география.

риш технологияси, мойлар технологияси, виночилик технологияси, архитектура, саноат ва гражданд қурилиши, дарё ишоотлари ва гидроэлектростанцияларнинг гидротехника қурилиши, бинокорлик буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, сув таъминоти ва каналлация, автомобиль йўллари, автомобиль транспорт, инженерлик геодезияси, машинасозлик саноати экономикаси ва уни ташкил этиш, автомобиль саноати экономикаси ва уни ташкил этиш, химия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш, қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш.

ФАРҒОНАДАГИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Фарғона шаҳри, Керегай-2, Улугбек кўчаси, 71).

Электр системалар ва тармоқлар, машинасозлик технологияси, металл қирқадиган станоклар ва асбоблар, саноат қурилмаларига электр ўтказиш ва автоматлаштириш, химия-технология процессларини автоматлаштириш ва қурилиш, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, сув таъминоти ва каналлация, автомобиль транспорт.

ЧИРЧИҚДАГИ КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТ

(Чирчиқ шаҳри, Ломоносов кўчаси)

КЕЧКИ ЎҚИШГА:

Машинасозлик технологияси, металл қирқадиган станоклар ва асбоблар, қишлоқ хўжалиги машиналари, химия ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари, электр машиналари ва аппаратлари, саноат қурилмаларига электр ўтказиш ва автоматлаштириш, химия-технология процессларини автоматлаштириш ва қурилиш, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, сув таъминоти ва каналлация, автомобиль транспорт.

ОЛМАЛИҚДАГИ КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТ

(Олмалик шаҳри, Ленин кўчаси, 27).

Фойдали қазилмаларни бойитиш, фойдали қазилмаларни очқиқ усулда ишлаб чиқариш технологияси ва уни комплекс механизациялаштириш, рағли металлургияси, Тоғ машиналари ва комплекслари, Тоғ ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш, саноат қурилмаларига электр ўтказиш ва автоматлаштириш, химия-технология процессларини автоматлаштириш ва қурилиш, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, сув таъминоти ва каналлация, автомобиль транспорт.

БУХОРОДАГИ КЕЧКИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Бухоро шаҳри, мипрорайон)

Машинасозлик технологияси, металл қирқадиган станоклар ва асбоблар, қишлоқ хўжалиги машиналари, химия ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари, электр машиналари ва аппаратлари, саноат қурилмаларига электр ўтказиш ва автоматлаштириш, химия-технология процессларини автоматлаштириш ва қурилиш, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, сув таъминоти ва каналлация, автомобиль транспорт.

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ

САМАРҚАНД

ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

(Самарқанд шаҳри, М. Горький бульвари, 15)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Машинасозлик технологияси, металл қирқадиган станоклар ва асбоблар, ноорганик моддалар ва химиявий ўғитлар технологияси, она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, инглиз, француз, немис тиллари, тарих, математика, физика, биология, химия, география.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:

Машинасозлик технологияси, металл қирқадиган станоклар ва асбоблар, она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, инглиз, француз, немис тиллари, тарих, математика, физика, биология, химия, география.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Машинасозлик технологияси, металл қирқадиган станоклар ва асбоблар, ноорганик моддалар ва химиявий ўғитлар технологияси, саноат ва гражданд қурилиши, автомобиль йўллари, транспорт, рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, инглиз, француз ва немис тиллари, тарих, математика, биология, география.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, математика, математик ва чизмақашлик, физика, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари, биология ва химия, география, тарих, чизмақашлик ва расм, педагогика ва психология, кутубхонашунослик, ва библиография, музика ва ашула, умумтехника фанлари, меҳнат ва чизмақашлик, умумтехника фанлари, меҳнат ва физика.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:

Педагогика ва психология, математика, физика, чизмақашлик, ва расм, кутубхонашунослик ва библиография, умумтехника фанлари, меҳнат ва чизмақашлик, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, математика, география, биология, тарих, педагогика ва психология, кутубхонашунослик ва библиография, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

ҚАРШИ

ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Қарши шаҳри, Кўчабоғ, 17)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари, биология ва химия, география ва биология, тарих ва география, жисмоний тарбия, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология, тарих, педагогика ва психология, кутубхонашунослик ва библиография, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

ТОШКЕНТ

ТЕАТР САНЪАТИ ВА РАС СОМЛИК ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Лопатин кўчаси, 37)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

драма театрлари ва кино актёрлари, музикали комедия актёрлари, графика, декоратив, амалий санъат, живопись, таспирий санъат тарихи ва назарияси, интересер

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:

драма театри ва кино актёрлари, театршунослик, драма режиссура (кечки таълим).

ТОШКЕНТ

ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

(Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31)

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Фортепьяно, орган, асбоблари, халқ чолғу асбоблари, хор дирижёрлиги, композиция, ашула (қундузги ўқим), музикашунослик.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Арпапов кўчаси, Қирғул проезде, 15-а)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Халқ хўжалигини планлаштириш, саноатни планлаштириш, моддий-техника таъминоти экономикаси ва уни планлаштириш, меҳнат экономикаси, қишлоқ хўжалигини планлаштириш, муля ва кредит, статистика, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий информацияни механик усулда ишлаш.

КЕЧКИ ЎҚИШГА:

Халқ хўжалигини планлаштириш, саноатни планлаштириш, моддий-техника таъминоти экономикаси ва уни планлаштириш, меҳнат экономикаси, қишлоқ хўжалигини планлаштириш, муля ва кредит, статистика, бухгалтерия ҳисоби.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Халқ хўжалигини планлаштириш, саноатни планлаштириш, моддий-техника экономикаси ва уни планлаштириш, меҳнат экономикаси, қишлоқ хўжалигини планлаштириш, муля ва кредит, статистика, бухгалтерия ҳисоби.

ФАРҒОНА

ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Фарғона шаҳри, Педагогическая кўчаси 19)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари, биология ва химия, география ва биология, тарих, тарих ва география, жисмоний тарбия, умумтехника фанлари, меҳнат ва чизмақашлик, умумтехника фанлари, меҳнат ва физика.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, биология, география, тарих, жисмоний тарбия.

БУХОРО

ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Бухоро шаҳри, Коммунарлар кўчаси, 2)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари, биология ва химия, тарих ва география, география ва биология, жисмоний тарбия, умумтехника фанлари, меҳнат ва физика, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, умумтехника фанлари, меҳнат ва чизмақашлик.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, география, биология, тарих, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Нукус шаҳри, Калинин кўчаси, 106)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари, биология ва химия, жисмоний тарбия, умумтехника фанлари, меҳнат ва чизмақашлик, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, умумтехника фанлари, меҳнат ва физика.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, математика, тарих, география, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

НАМАНГАН

ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Наманган шаҳри, Коммунистик кўчаси, 63)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, математика, чет тиллар, физика, умумтехника фанлари, меҳнат ва чизмақашлик, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, рус тили ва адабиёти.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, математика, тарих, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, рус тили ва адабиёти.

ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Андижон шаҳри, Ленин кўчаси, 8)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари, биология ва химия, жисмоний тарбия.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, биология, география, тарих, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

ҚЎҚОН

(Қўқон шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 83)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология, тарих, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

матика жисмоний тарбия, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология, тарих, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

ХОРАЗМ

(Урганч шаҳри, Ленин кўчаси, 14)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, математика, физика, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, тарих, биология, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси.

СССР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Олий ўқув юртларига ўрта маълумотли, ҳар икки жисмоний СССР граждандари қабул қилинади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртки ва кечки) ўқишга эса ёшдан қатъий назар қонунсизда кириш имтиҳонларидан муваффақият билан ўтган, олий ўқув юртларига кириш учун иккиояб қарактеристикаси бўлган қобилиятли кишилар қабул қилинади.

Корхона давлатлардан келиб, СССР территориясида истиқомат қилмаган граждандар олий ўқув юртга умумасосида қабул қилинади. Ўқиш қилиш ва ундан ортиқ иш стажин бўлган, ва бу меҳнат ёки қолзо дафтарчасига қайд қилинган кишиларга олий ўқув юртга кириш учун имтиҳон қабул қилинади.

Олий ўқув юртга кирувчилардан аривалар қабул қилинганда куйидагиларга эътибор берилиши керак:

Ўрта махсус ва техника билим юртларига ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга қабул қилиш учун, уларнинг ўқишни тамом қилгандан кейин 3 йиллик стажлари бўлиши керак;

Хунар ва бошқа профессионал-техника билим юртлари, ФЗО ва ФЗУ магистрларини битиргандарнинг 4 йиллик иш стажин бўлган тақдирда ўқишга қабул қилинади.

Журналистика, ҳуқуқшунослик, адабий иш, фалсафа, сиёсий иқтисод мутахассисликлари бўйича қандад 2 йиллик иш стажига эга бўлган кишилар қабул қилинади. Бундан ташқари журналистика ва адабий иш мутахассисликлари бўйича адабиёт қобилиятли кишиларга қабул қилинади.

узоқда бўлмаган олий ўқув юртларига ариза берилиши мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (аси нуска), олий ўқув юртга кириш учун хараактеристика, автобиография, медицина справкаси (286-форма), 4 та фотосурат (бош кийимсиз, 4/3 сантиметр).

Ўқишга кирувчилар партия, комсомол, насоба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари, корхона раҳбарлари, қолзо правлениелари томонидан берилган хараактеристика, умумтаълим мактабларининг ўқувчилари эса мактабларнинг раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари томонидан берилган хараактеристикаларини тоширишлари керак. Совет Армияси ва Харбий-Денгиз Флотидан демобилизация қилинганлар эса харбий нем қўмондонлигидан хараактеристика олишлари керак.

Олий ўқув юртларига кирувчилардан аризалар қабул қилиш, кириш имтиҳонларини ўтказиш, шунингдан, студентлар составига кириш муддатлари қуйидагиларча:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда: барча мутахассисликлар бўйича, санъатшунослик, мутахассисликдан ташқари, аризалар 20 июндан 30 июлга, кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача, студентлар составига кириш 21-25 августгача, санъатшунослик мутахассислиги бўйича аризалар 1 июндан 10 июлга, кириш имтиҳонлари 11 дан 25 июлга, студентлар составига кириш 21-25 августгача.

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда: барча мутахассисликлар бўйича, мавсумий ишлар билан боғлиқ бўлмаган мутахассисликдан ташқари, шунингдан, педагогика, кутубхоначилик, маданий оқартув ишлари, соғлигини сақлаш, санъат мутахассисликлари бўйича, аризалар сиртки ўқишга 20 апрелдан 25 августгача, кечки таълимга — 20 июндан 25 августгача, кириш имтиҳонлари, сиртки ўқишга — 15 майдан 10 сентябргача, кечки ўқишга 11 августдан 10 сентябргача, студентлар составига кириш сиртки ўқишга 21 августдан 20 сентябргача;

сиртки ва кечки ўқишга аризалар 1 октябрдан 15 декабргача, кириш имтиҳонлари 1 октябрдан 31 январгача, студентлар составига кириш — 1 дан 15 февралгача;

педагогика ва кутубхоначилик, маданий-оқартув ишлари бўйича бўлган мутахассисликларининг сиртки ва кечки бўлимларига аризалар 31 майдан, кириш имтиҳонлари 1 дан 20 июлга, студентлар составига кириш 21 дан 30 июнга;

соғлиқни сақлаш мутахассислиги бўйича сиртки ва кечки ўқишга аризалар 20 июндан 31 июлга, кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача, студентлар составига кириш 21 дан 25 августгача;

санъатшунослик мутахассислиги сиртки ўқишга аризалар 1 июндан 14 августгача, кириш имтиҳонлари — 15 дан 25 августгача, студентлар составига кириш 26 дан 30 августгача;

кечки ўқишга аризалар 1 июндан 10 июлга, кириш имтиҳонлари 11 дан 25 июлга, студентлар составига кириш 26 дан 30 июлга.

Олий ўқув юртга кирувчилар улар талаган мутахассисликлар бўйича қуйидаги профилдаги фахрлардан имтиҳон тоширишлари:

техника, физика, инженерлик-иқтисодий, физик-биология мутахассисликлари бўйича — математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), химия (оғзаки) фанларидан;

химия, химия-технология, ўрмон хўжалиги, биология, химия, инженер-экономистлик мутахассисликлари бўйича саноат тармоқларига қараб — химия (оғзаки), математика (оғзаки), физика (оғзаки);

математик мутахассислиги бўйича — математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки);

чизмақашлик ва расм, архитектура мутахассисликлари бўйича — расм, чизмақашлик, математика (оғзаки), физика (оғзаки);

қишлоқ хўжалиги мутахассислиги бўйича, инженерлик-техниклик мутахассислигидан ташқари, соғлигини сақлаш, кутубхоначилик, физик-техника ва спорт мутахассисликлари бўйича — химия (оғзаки), физика (оғзаки);

иқтисодий мутахассислиги бўйича — математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки);

инженерлик-техниклик мутахассислигидан ташқари, соғлигини сақлаш, кутубхоначилик, физик-техника ва спорт мутахассисликлари бўйича — химия (оғзаки), физика (оғзаки);

сиртки ва кечки ўқишга аризалар 1 октябрдан 15 декабргача, ки